ЯНТОҚ ЎСИМЛИГИДА УЧРАЙДИГАН САРАТОНЛАР

Х.СУЛАЙМОНОВ, А.Г.КОЖЕВНИКОВА, Х.СОБИРОВА, Н.ДЖАЛИЛОВА

В статъе приводятся данные по материалам биологии и экологии цикадовых семейства Cercopidae - Poophillus nebulosus и семейства Tettigometridae – Tettigometra varia, обитающих на пастбищных растениях янтака (Alhagi persarum Boiss).

In this article is resulted the data till a material of biology and ecology sikadous of family Cercopidae- Poophillus nebulosus and family Tettigometridae – Tettigometra varia, living on pastuladle plants of (Alhagi persarum Boiss).

Яйлов ўсимликларида ҳашаротларнинг кўпчилик турлари, шу жумдалан, тенг қанотли хартумлилар туркумининг саратонлар cicadinea (Aychenorrhyncha) кенжа туркумига мансуб бўлган турлари кўплаб учрайди. Янтоқ (Alhagi) ва мимоза (Logonichium farctum) ўсимликларидан 24.05. 1971 йилда энтомологик матрап ёрдамида (матрапни 100 маротаба ўсимлик устида юргизиш орқали) ҳашаротлар ушланганда, уларнинг 312 таси саратонларни ташкил этди. 27.05.1997 йили юлғун ўсимлигида (Tamarix ramasisima) саратонлар 1032 тани ташкил этди. Саратонларнинг яйлов ўсимликларида бундай кўп миқдорда учраши улар келтирадиган зарарнинг анча юқори эканлигини кўрсатади. Маълумки, саратонлар сўрувчи ҳашаротлардан ҳисобланиб, ўсимлик ширасини сўриш орқали яйлов ўсимликларига зарар келтиради.

Қўй, эчки, от ва туялар янтоқ, каррак, черкез, боялич, саксовул, чўл акацияси, изен, терескен каби яйлов ўсимликлари билан озиқланади. 1971-2008 йиллар давомида Қашқадарё воҳасида ўсадиган 13 турга мансуб яйлов ўсимликларида 50 дан ортиқ саратон турлари учраши аниқланган.

Янтоқ (Alhagi persarum Boiss)- кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 35-40 см. Турли хил, айниқса, шўрланган тупроқларда яхши ўсади. Янтоқнинг вегетация даври апрелнинг биринчи декадасидан бошланиб, майнинг охири - июннинг ўрталарида гуллайди ва гуллаши ойнинг охирига қадар давом этади, дуккаклари август ойида етилади.

Баҳорда дастлаб ўсадиган ўсимликлардан ҳисобланган янтоқнинг ёш ниҳоллари қишловдан чиққан ҳайвонларнинг тўйимли озуқасига айланади. Янтоқ билан озиқланиш июнь ойининг охирига қадар давом этади. Янтоқ узоқ муддат давомида гуллаганлиги сабабли яйлов ўсимликлари ичида бол-нектар тутувчи тур сифатида ҳам аҳамиятлидир. Янтоқдан маҳаллий аҳоли ёнилғи сифатида ҳам фойдаланади. Янтоқ ўсимлигидан ҳалқ табобатида кўплаб дори-дармонлар тайёрланади. Айниқса, буйрак фаолиятини яхшилайдиган сийдик ҳайдовчи моддалар олинади.

Янтоқ ўсимлигида Brachyprosopa bicornis, Scorlupaster asiaticus, Tettigometra costulta, T. varia, Cicadatra querula, Poophillus nebulosus, Agallia laevis, A. acuteangulata, Pseudophlepsius binotatus, Platymetopius minor, P. pardalis каби саратон турлари учрайди.

Янтоқ ўсимлигида Cercopidae оиласига мансуб бўлган кўпик ҳосил қилувчи Poophillus nebulosus энг кўп учрайдиган саратонлардан ҳисобланади.

1971 йил июль ойида янтоқ ўсимлигида бу турнинг миқдори 15-20 экземплярни ташкил этди. Бу тур, асосан, янтоқ ўсимлигида, баъзан эса Амударё қўшбарглиси - Zygophillym oxianum, каспий кареллинаси Karellinia caspica, мимоза Logonychium farctum, эриантус - Erianthus ravennae каби ўсимликларда ҳам учрайди. Саратон тухум босқичида қишлайди. Личинкалари апрелнинг 3-декадасида (иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда) тухумдан чиқиб, ўсимлик ширасини билан озиқлана бошлайди. Анал тешиги орқали махсус без ҳужайралари ёрдамида кўпиксимон суюқлик ишлаб чиқаради. Қорин қисмида жойлашган махсус нафас тешиклари орқали суюқликка вақти-вақти билан ҳаво пуфакча-лари юбориб, суюқликни кўпиклаштиради. Ҳаво юбораётганда личинканинг қорин қисмида жойлашган бўйлама ва айлана мускулларнинг навбатлашиб қисқариши нати-

жасида ҳаво пуфакчаларини суюқлик томон йўналтиради, натижада суюқликнинг чекка қисмларида кўплаб ҳаво пуфакчалари ҳосил бўлади. Личинкаларнинг оқиш рангдаги нозик танаси кўпиксимон суюқлик билан ўралади ва бу масса личинкани чўл шароитидаги жазирама иссиқдан ҳимоялайди (2-расм).

Личинкалар, одатда, жамоа ҳосил қилиб яшайди. Битта жамоада уларнинг сони 50-60 ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Личинкалик босқичи 25-35 кун давом этади. Личинканинг вояга етган ҳашаротга айланиши кўпик ичида содир бўлади. Дастлаб кўпик ичидан чиққан саратоннинг қанотлари нотекис, танаси оқиш рангда бўлиб, бироз вақт ўтгандан сўнг қанотлари тўғриланади, бир неча муддат кўпик ёнида тургандан сўнг учиб кетади. Вояга етган саратон танасининг узунлиги 8,3 -10,2 мм.

Личинкаларнинг вояга етган ҳашаротга айланиши май ойининг ўрталари ёки охирига тўғри келади. Вояга етган саратонлар бир неча муддат озиқлангандан сўнг эркак ва урғочилари жуфтлашади ва урғочилари тухум қўя бошлайди. Тухум қўйиш учун урғочиси янтоқ ўсимлигининг ёшроқ новдасини танлайди ва тухум қўядиган жойни қорин қисмидан чиқарилувчи суюқлик билан намлайди, сўнгра ўткир тухум қўйгичи ёрдамида ўсимлик новдасини тешиб, тухум қўяди. Битта урғочи саратон 40 тага яқин тухум қўйиши мумкин.

Тухуми овалсимон оқиш ярим-ялтироқ рангда, узунлиги 1,43-1,68 мм, эни 0,20-0,26 мм. Тухум қўйган жойларида ўсимлик танасининг зарарланган жойлари ажралиб туради.

Вояга етган саратонлар тухум қўйиб бўлгач, бир неча муддат яшайди ва август ойининг охирларида ҳалок бўлади. Янтоқ ўсимлигига қўйилган тухумлари эса қишлаб қолади. Кузда янтоқ қурийди, баҳорда эса ёш новдалар ҳосил бўлади. Худди шу вақтда тухумдан личинкалар чиқиб, ўсимликнинг яшил поялари ва барглари билан озиқланади.

Poophillus nebulosus личинкалик ва вояга етган ҳашарот босқичида хартумчаси ёрдамида ўсимлик ширасини сўриб, тухум қўйгичи орқали ўсимлик тўқимасини тешиш орқали яйлов ўсимликларига зарар келтиради.

Саратонларнинг Tettigometridae оиласига мансуб бўлган Tettigometra varia тури янтоқ ўсимлигида кўплаб учрайди. Бу тур 1895 йилда аниқланган бўлиб, Россиянинг Европа қисмида, Болгарияда, Кавказ, Шимолий ва Жанубий Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда учрайди.

Танаси оч яшил тусда бўлиб, унда ранглар вариацияси яхши кўринади. Қишлаб қолган саратоннинг ранги оч яшил тусда, кузги турлари қорамтир рангда бўлади. Танасининг узунлиги 4,2 -4,6 мм (3-расм).

Вояга етган ҳашарот босқичида қишлайди, айрим турларининг оталаниши кузда содир бўлиб, тухум ҳужайрасининг ривожланиши баҳорда бўлади. 14.04.1998 йили баҳорда бу турга мансуб бўлган саратонларнинг етилган ҳолатдагилари тухум ҳужайраси топилди. Tettigometra varia тухум қўйиш учун янтоқ ўсимлигининг яшил новдаларини ёки баргларининг орқа қисмини танлайди. Айрим ҳолларда тухумларини тупроқнинг юза қисмига қўйиши ҳам аниқланган. Янтоқ ўсимлигида 8-55 тага қадар тухум қўйиши аниқланган (3-расм). Лаборатория шароитида тухумларнинг эмбрионал ривожланиши 10-12 кун давом этади. Личинкалари жамоа ҳосил қилиб яшайди. Жамоада личинкаларнинг сони 300 га қадар бўлиши мумкин (4-расм).

Личинкаларнинг вояга етган саратонларга айланиши июнь-июль ойларига тўғри келади.

Яйлов ўсимликларида личинка ва вояга етган ҳашарот босқичида кўплаб учрайдиган сўрувчи саратонларнинг тур таркибини ва уларнинг биологияси, экологиясини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Дубовский Г.К. Цикадовые Ферганской долины.- Т., 1966
2. Дубовский Г.К., Сулаймонов Х.А. Цикадовые Каршинской степи.- Т., 1983

Андтжан давлатуниверситети
2009 йил 20 декабрда кабул килинган
(Такризчи; профессор К.Тожибоев)